The musical score for Example 5 consists of three staves. The top staff is a vocal line in treble clef with a key signature of two sharps (F# and C#) and a common time signature (C). It contains the lyrics: 'Те-бе, по-то - мок Та - ро - га - я, жем -'. The middle and bottom staves are for piano accompaniment. The piano part features a complex rhythmic pattern with many sixteenth notes in the right hand and block chords in the left hand.

Каватинанинг лад-тонал тузилиши қизикарлидир, унинг ўзига хослиги «Бу чинор» кўшиғининг лад тузилиши билан узвий боғланган. Юқорида айтиб ўтилганидек «Бу чинор» куйи ўзгарувчан олтибосқичли E-cis ладида ёзилган. Композитор каватинанинг биринчи тактидаёқ политоналлик принципдан фойдаланади. А.Козловский аккордлик политоналликдан, яъни битта гармоник ҳамовозликда турли тоналликдаги аккордларни бирлаштиради, шунингдек полиладликдан ҳам фойдаланади. Таъкидлаш жоизки, политоналлик кўшилмаларида А – fis тоналликлари қатнашади, яъни каватинадаги тоналликлар куйнинг дастлабки мелодик манбадаги тоналликларнинг ўзаро функционал даражасидагидек бўлади (E-cis).

Интересен ладотональный план Каватины, особенности которого тесно связаны с ладовым строением песни «Бу чинар». Как уже отмечалось выше мелодия «Бу чинар» написана в переменном шестиступенном ладу E-cis. В Каватине же композитор уже в первых тактах применяет политональный принцип. А.Козловский использует аккордовую политональность, т.е. объединение в одно гармоническое созвучие разнотональных аккордов, а также полиладовость. Примечательно, что в политональном наложении участвуют тональности – А-fis, т.е. тональности, находящиеся между собой в той же функциональной взаимосвязи, что и тональности мелодического первоисточника Каватины (E-cis).

6-мисол

Пример №6

**Larghetto**  
Китайский посол Го Цзи *p*

*ppp* О, внук ве - ли - кий Та - ро - га - я! Вла -

Гармоник тилнинг ранг-баранглиги Каватинанинг янграшини янада бойитади. Композитор оддий куйни мураккаб гармоник воситалар орқали маҳорат билан бирлаштиради, уларнинг бир бутунлигини ҳосил қилишга эришади. Гармоник воситаларнинг мураккаблиги тўғрисида сўзлаганда, авваламбор унинг политоналлик аккорд бирлашмаларини айтиб ўтиш жоиз. Композитор куйни гармониялаштириш учун септаккордлардан, нонаккордлардан ва бошқа диссонанс ҳамоҳангликлардан ва орган пунктидан кенг фойдаланади.

Значительно обогащает звучание Каватины красочный гармонический язык. Композитор мастерски сочетает простоту мелодии со сложностью гармонических средств, добиваясь их органического слияния. Говоря о сложности гармонических средств, прежде всего следует отметить политональные аккордовые сочетания. Композитор широко использует для гармонизации мелодии септаккорды, нонаккорды и другие диссонирующие созвучия, а также органнй пункт:

Та - ро - га - я! Вла - сти - тель даль - не - го Ки -

Шундай қилиб, ушбу сахна кўринишининг эмоционал тўлақонлилик босқичи бошидан бошланади. Куйнинг авжини 2-бандда, хитойнинг буюклиги куйланганида кўрсатиш мумкин:

Таким образом, степень эмоциональной наполненности номера высокая с самого начала. Можно выделить мелодическую кульминацию во втором куплете, воспевающим величие Китая:

Ки - тай ве - лик. И хан Ки - та - я,

Аста-секинлик билан овоз *pp* га қадар пасайиб боради.

Каватинанинг интонацион куй тузилиши пентатоник интонациянинг доимий атрофида айланиши билан характерлидир. Иккинчи даражали персонажнинг тимсолий характеристикаси миллий рухнинг ўзига хослиги эвазига ифодалиликка эга бўлади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Каватина банд шаклида ёзилган ва уч бандни ташкил этади. Ҳар бир банд икки бўлимдан иборатдир, биринчи бўлим ўзгаришсиз қайтарилади, учала банднинг барчасидаги иккинчи бўлим бўлса, биринчи бўлим интонациясининг тусланишига асосланади.

Откуда происходит постепенный спад звучности до *pp*.

Мелодико-интонационное содержание Каватины характеризуется постоянным обыгрыванием интонации пентатоники. Образная характеристика второстепенного персонажа приобретает выразительность за счет своеобразия национального колорита.

Как уже отмечалось выше, Каватина написана в куплетной форме и содержит в себе три куплета. Каждый куплет состоит из двух разделов, причем первый раздел повторяется без изменений, а второй раздел во всех трех куплетах основан на варьировании интонаций первого раздела.

Фольклор дастлабки манбасига нисбатан, каватинада бандлар ҳажм жихатидан тенг эмас: биринчи банд иккинчи ва учинчи бандларга нисбатан қисқа – бу ҳолатда бандлар ҳажмининг кенгайиши матн мазмунининг муҳимлиги билан бевосита боғлиқдир (1-банд – Улуғбекка мурожаат, 2-банд – Хитойнинг буюклиги ҳақида хикоя, ва 3-банд – Син Дун Фаннинг гўзаллиги ҳақида).

Барча каватинанинг мелодик ривожланиши асосида монодик муסיқадаги вокал жанрларга хос бўлган интонацион тусланиш принципи ётади, куйчанлик устунлик қилади, деярли речитатив-декламацион унсур учрамайди (4-мисолга қаранг).

Маълумки, куйчан ривожланишга асосланган интонацион тусланиш принципи маълум даражада бир хилликка сабаб бўлади. Бундан чекланиш мақсадида, композитор бир қатор композицион усуллардан фойдаланади, улар куйнинг табиий янграшини бузмаган ҳолда, аксинча у билан чамбарчас боғланиб, охирида яхши бадий натижага эга бўлади. Бу усулларнинг баъзиларини махсус кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Куйга алоҳида бўёқ берадиган оригинал гармоник усуллар орасида мажор субдоминанта аккордини минорда тоника орган пунктида янграйдиганлигини ишлатганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

В отличие от фольклорного первоисточника, в Каватине куплеты не равнодлительны по объему: первый куплет короче, чем второй и третий – в данном случае увлечение объема куплетов напрямую связано со смысловой значимостью текста (1-куплет – обращение Улуғбеку, 2-куплет – рассказ о величии Китая, и 3-куплет – красота Син Дун Фан).


В основе мелодического развития всей Каватины лежит принцип интонационного варьирования, свойственный вокальным жанрам монодийной музыки, господствует распевность и практически отсутствует речитативно-декламационный элемент (см. пр. №4).

Очевидно, что принцип интонационного варьирования, взятый за основу мелодического развития в определенной степени предполагает некоторое однообразие звучания. Чтобы избежать этого, композитор использует ряд композиционных приемов, которые не нарушая природы звучания мелодии, а органично сочетаясь с ней, порождает в итоге значительный художественный результат. Некоторые из этих приемов представляется целесообразным рассмотреть специально.

Среди оригинальных гармонических приемов, придающих необычную окраску мелодии следует отметить употребление аккорда мажорной субдоминанты в миноре, звучащей на органном пункте тоники:

9-мисол

Пример №9



Бундан ташқари А.Козловский мажорда паст босқичларни кўллайди ва паст босқичларни табиий босқичлар янграши билан таққослайди.

Кроме того, А.Козловский применяет низкие ступени в мажоре и сопоставляет звучание низких ступеней со звучанием ступеней натуральных:

10-мисол

Пример №10



Шундай қилиб, юқоридаги мисолда етарли даражада оригинал янграйдиган I–IIIн–III (A–C–cis) гармоник кетма-кетлик вужудга келади.

Юқорида таъкидлаганларнинг барчасини хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Бу чинор» куйидан фойдаланган ҳолда, композитор тўғридан-тўғри унинг куйини иқтибос (цитата) қилмайди, балки асос сифатида баъзи-бир характерлик ладоинтонацион ва ритмик оборотларни олади, уларни Европа мактабига хос бўлган композицион усуллар ладотонал, гармония, ритм ёрдами билан бойитади. Шундай қилиб, локал колорит ва интонацион тузилмани эҳтиёткорлик билан кўз қорачиғидек асраган ҳолда, “Хитой элчисининг каватинаси” рус классик опера мактаби анъаналари руҳида яратилган ёрқин опера сахнаси сифатида вужудга келади.

Так, вышеприведенном примере возникает гармоническая последовательность I – IIIн – III (A – C–cis), звучащая достаточно оригинально.

Обобщая все вышесказанное, следует отметить, что используя мелодию «Бу чинар», композитор не прибегает к прямому цитированию ее мелодического материала, а берет за основу лишь некоторые характерные ладоинтонационные и ритмические обороты, обогащая их звучание при помощи композиционных приемов, свойственных европейской школе (ладотональность, гармония, ритм, мелодическое развитие и т.д.). Таким образом, при бережном сохранении локального колорита и интонационного строя, тем не менее “Каватина китайского посла” представляет из себя яркий оперный номер в традициях русской классической оперной школы.

### «БУ ЧИНОР» ҚЎШИҒИГА Д.ЗОКИРОВНИНГ ИЖОДИЙ ЁНДАШУВИ

Ўзбек фольклорининг пухта билимдони Д.Зокиров катта муҳаббат ва қизиқиш билан Ўзбекистонда яшайдиган бошқа халқлар фольклорини ўрганган эди. Фольклорни билганлиги композиторга улардан ўз ижодида фойдаланиш учун кенг имконият яратди.

### ТВОРЧЕСКИЙ ПОДХОД Д.ЗАКИРОВА К ПЕСНЕ «БУ ЧИНАР»

Прекрасный знаток узбекского фольклора Д.Закиров с большой любовью и интересом изучал фольклор народов, проживающих в Узбекистане. Овладение фольклором дало композитору широкие возможности претворения его в своем творчестве.

1950 йилнинг бошларида композиторнинг диққатини уйғур халқининг мусикий фольклори ўзига тортди. Бу даврда Д.Зокиров бир неча кўшиқни ёзиб олади ва уларни ноталаштиради. Натижада «13 уйғур халқ куйлари ёзуви» номли дафтар пайдо бўлади ва у Ўзбекистон композиторлари уюшмаси кутубхонасида сақланмоқда. Афсуски, бу кўшиқлар кимдан ёзиб олинганлиги ва қандай матнлар билан ижро этиганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот қолмаган. Мусиқашунос М.Аҳмедов Дони Зокировга бағишланган китобида ушбу масаланинг ечимини топгандай бўлади: «... у уйғур куйларининг нотасини шу даврда радиода ишлаган уйғур ҳофиз ва созандаларидан ёзиб олган эди»<sup>1</sup>. Ушбу ёзувлар Ўзбекистонда яшаган уйғурларнинг фольклорини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Бу дафтар 1954 йилнинг бошида вужудга келган, у тўғрида дафтарнинг титул варағидаги ёзув гувоҳлик беради: *04.02.1954 йил*.

Бир неча йил ўтгандан сўнг, яъни 1962 йилнинг июлида композитор ўзининг эски ёзувларига эътиборини қаратади. Бу сафар у бу ёзувларга композитор сифатида эътибор беради. Д.Зокиров дастлабда «Рапсодия-поппури» яратишни режалаштирган бўлса керак. Бу мақсад сари у куйидаги беш кўшиқни танлаб олади:

1. Фигон h-moll
2. Ман бугун h-moll усул билан (с усулем)
3. №11 d-moll ўртача тезроқ (умеренного движения)

4. №8 Лирик d-moll (лирический)

5. №3 d-moll ёки g-moll. Финал

Кейинчалик ушбу режа бироз ўзгаради ва композитор №8 «Уйғурча лирик кўшиқ»ни олиб ташлаб, «Уйғурча фантазия» асарини ёзади. Композиторнинг фантазия жанрига эътибор қаратиши тасодифий ҳол эмас эди. Айнан мазкур жанр Д.Зокировга

В начале 1950 года внимание композитора привлек музыкальный фольклор уйгурского народа. В это время он записал и расшифровал несколько песен и в результате появилась тетрадь «Запись 13-ти уйгурских народных мелодий», которая хранится в библиотеке Союза композиторов Узбекистана. К сожалению, не удалось установить от кого именно эти песни были записаны и с какими стихами исполнялись. Некоторый свет на эту проблему пролил музыковед М.Ахмедов в своей книге, посвященной Дони Закирову, где писал: «... он записывал ноты уйгурских мелодий от уйгурских певцов и инструменталистов, которые работали в это время в радио»<sup>1</sup>. Для изучения фольклора уйгуров Узбекистана данные записи играют немаловажную роль. Эта тетрадь появилась в начале 1954 года, о чем свидетельствует запись на титульном листе: *04.02.1954 года*.

Спустя несколько лет, а именно в июле 1962 года композитор еще раз обратился к своим старым записям. На этот раз он посмотрел на эти песни с композиторской точки зрения. Видимо, Д. Закиров первоначально хотел создать «Рапсодию - поппури». Для этой цели выбрал пять песен и составил следующий план:

1. Фигон h-moll
2. Ман бугун h-moll усул билан (с усулем)
3. №11 d-moll ўртача тезроқ (умеренного движения)

4. №8 d-moll (лирический)

5. №3 d-moll ёки g-moll. Финал

В дальнейшем этот план несколько изменился и композитор создал «Уйгурскую фантазию» на эти темы, исключив №8 «Уйгурскую лирическую песню». Обращение композитора к жанру фантазии не случайно. Именно этот жанр позволил Д.Закирову в сво-

<sup>1</sup> Ахмедов М. Дони Зокиров. – Т., 1995. С. 156.

эркин бадихавий шаклда халқ фольклорининг битмас-туганмас имкониятларини очиб беришга имкон беради.

Фантазия – грек тилидан таржима қилинганда ўйлаш, хаёл қилиш, тасаввур этиш, фараз қилиш деган маънони англатади. У чолғу (қисман айтим) мусиқаси жанри бўлиб, ўзига хос чизгиларга, ўз даври мусиқасининг тузилма меъёрларидан чекинишида, баъзи ҳолларда анъанавий композицион схемани ажойиб тимсолларга тўлалигида кўринади. XIX – XX асрларда кенг тарқалган фантазия жанри композиторларнинг ўз асаридаги ёки бошқа муаллифларнинг, шунингдек фольклор ёки халқ мавзуларининг эркин қўлланишига асосланади. Фантазия ёки янги бадий бутунликни ташкил этади ва парафразага, рапсодияга яқинлашиб боради. (Ф.Листнинг кўпгина фантазиялари, Н.Римский-Корсаковнинг оркестр учун «Сербча фантазия», А.Аренскийнинг фортепиано ва оркестр учун ёзган «Рябинин мавзуларига фантазия», Д.Мийонинг скрипка ва оркестр учун ёзган «Том устидаги бука» мусиқий фарси мавзусига «Кинематографик фантазия»), ёки бўлмаसा, мавзулар ва парчалар асосида «монтаж» қилинган бўлиб, попурига яқинлашади (классик оперетталар мавзуларига фантазия, композиторларнинг машҳур мавзуларига ёзилган фантазиялар ва бошқалар).

Композитор ўзининг фантазияси устида уч ярим ойга яқин вақт давомида иш олиб борди. Партитуранинг сўнгги бетида 13.10.1962 йил санаси кўрсатилган.

Д.Закиров уйғур фольклори табиятини чуқур тушунганлиги учун, халқ куйларини яхши янграшига ёрқин гармоник ва оркестр бўёқларни топа олган. Ҳар бир қисмда ўзига хос таъсирчан тимсол ярата олган. 1-қисм – ғамгин, бироз қайғули, характерда, 2-қисм – хотиржам ва баён этувчи лирик характерда, 3- ва 4- қисмлар нозик, рақсона ва интилувчан характердадир.

бодной импровизационной форме раскрыт неисчерпаемые возможности народного фольклора.

Фантазия – в переводе с греческого означает – воображение. Она является жанром инструментальной (реже вокальной) музыки, индивидуальные черты которого выражаются в отклонении от обычных для своего времени норм построения, иногда в необычном образном наполнении традиционных композиционных схем. Распространенный в XIX – XX столетиях жанр фантазии основан на свободном использовании тем, заимствованных из собственных сочинений или из сочинений других композиторов, а также из фольклора (или же написанных в характере народных). Фантазия либо образует новое художественное целое и тогда приближается к парафразе, рапсодии (многочисленные фантазии Листа, «Сербская фантазия» для оркестра Н. Римского-Корсакова, Фантазия на темы Рябинина для фортепиано с оркестром А.Аренского, «Кинематографическая фантазия» на темы музыкального фарса «Бык на крыше» для скрипки с оркестром Д. Мийо), либо представляет собой простой «монтаж» тем и отрывков, подобный попури (фантазия на темы классических оперетт, фантазия на темы популярных песен композиторов и т.д.).

Композитор работал над своей фантазией около трех с половиной месяцев. На последней странице партитуры указана дата 13.10.1962 года.

Д.Закиров, удивительно тонко чувствующий природу уйгурского фольклора, нашел яркие гармонические и оркестровые краски для звучания народных песен. В каждой из частей он создал яркий впечатляющий образ. 1-часть – печальная, несколько трагического характера, 2-часть – спокойная и повествовательная, лирическая; 3- и 4-части – изящные, танцевальные, и це-

Д.Закиров уйғур фольклори куй тузилишининг ўзига хос табиатини, остинатолик ритм-усулларини, тузилмадаги ладнинг ўзига хослигини ифодалаш имкониятларидан усталик билан фойдаланган.

«Уйғурча фантазия» куйидаги таркиб – учта най (най пикколо, I, II найлар), гобой, иккита кўшна (I, II), сурнай, чанглар (I, II), кашқар ва афгон рубоблари, танбур, дутор, контрабас, доира, сафоил, сато ва ғижжакчилар квинтети учун ёзилган. Бундай таркибни танлаш уйғур фольклорининг ранг-баранг имкониятларини очиб бериш учун йўналтирилган. Овозларни ўзаро таққослаш ўта муваффақият билан амалга оширилган, «акс-садо» усули, регистрларнинг бир-бирига ўтиши яхши самара беради.

«Уйғурча фантазия»да оркестр фактурасининг куйчанлигини таъминловчи, монодик ўзига хосликка олиб келувчи жуда кўп полифоник услублар – каноник тақлидлар, эркин секвенциялар, овозости полифонияси учрайди. Танлаб олинган халқ мавзуларининг характери шунга мосдир. Уйғур халқ кўшиғи «Бу чинар» бу ерда ўзининг гўзаллиги ва майинлиги, садонинг тиниқлиги билан ёркин лирик таъсирчан товуш тимсолини яратиш имконини бергани холда, ўзининг янги кирраларини очиб беради. Халқ чолғуларининг баъзи тембрларида “Бу чинар” кўшиғи фольклор аъналарининг янги йўли сифатида аҳамиятлидир. Айнан шу кўшиқнинг танланиши бежиз эмас. У композитор ижодий фантазиясининг бой имкониятларини ўзида қамраб олади.

Фантазиянинг 1-қисмида «Фигон» кўшиғи ишлатилган. У композиторнинг «ёзувларида» иккинчи бўлиб туради. Кўшиқ даврия шаклида ёзилган бўлиб, икки жумладан ташкил топади. Ҳар бир жумла икки мартадан қайтарилади. Жумлалар ўзаро тенгдир (ҳар бир жумла 5 тактдан иборат). Кескин драматик ривожланиш билан

леустремленные. Д.Закиров мастерски использовал выразительные возможности уйгурского фольклора – своеобразную природу мелодических строений, остинатные ритмы-усули, ладовые особенности строения.

«Уйгурская фантазия» написана для следующего состава – три най (най пикколо, най I, II), гобой, два кошная (I, II), сурнай, чанги (I, II), кашгарские и афганские рубабы, танбур, дутар, дутар контрабас, дойра, сафаиль, сато и квинтет гиджаков. Выбор такого состава направлен на выявление разнообразных возможностей уйгурского фольклора. Удачны контрастные сопоставления звучностей, эффектны приемы «эх», регистровые переключки.

В «Уйгурской фантазии» встречается много полифонических приемов – канонических имитаций, свободных секвенций, подголосков, способствующих мелодизации оркестровой фактуры, монодийной специфичности. Сам характер выбранных народных тем располагает к этому. Уйгурская народная песня «Бу чинар» раскрывает здесь новые грани, привлекая красотой и пластичностью, прозрачного звучания, способствуя созданию яркого лирически выразительного звукового образа. В некоторых тембрах народных инструментов песня “Бу чинар” показательна как новый путь фольклорных традиций. Выбор именно этой песни не случаен. Она включает в себе богатейшие потенциальные возможности для творческой фантазии композитора.

В первой части фантазии использована песня «Фигон» («Рыдание»). Она является второй в записях композитора. Песня написана в форме периода, состоящего из двух предложений. Каждое предложение повторяется по два раза. Предложения равнодлительны (по 5 тактов каждое предложение) между собой. Проникнутая на-

суғорилган, фантазиянинг ушбу қисми қайғу-алам ғоясининг кучлилиги билан чуқур таъсир қилади ва бу ўз навбатида b-moll тоналлиги билан янада кучайтирилади.

Фантазияда ушбу мавзу бир неча бор такрорланади. Биринчи жумлада қуйидаги чолғулар иштирок этади: афғон рубоблари, сато, ғижжак алтлар ва ғижжак баслар. Биринчи жумланинг якунида қўшнай сўнгги интонацияга тақлид қилади



Иккинчи жумла полифоник иккинчи овознинг пайдо бўлиши ҳисобига бироз бойиб боради. Тематик материал асосида қурилган икки тактли киришдан сўнг



мавзунинг иккинчи қайтарилиши бошланади. Бу ерда композитор материални каноник йўл билан ўтказилишдан фойдаланади. Биринчи ғижжаклар мавзуни бошлаб берадилар. Бир тактдан сўнг ушбу мавзу бир оз тусланган ҳолда кашқар ва афғон рубобларида чалинади. Биринчи жумланинг кейинги қайтарилиши бошқа чолғуларнинг қўшилиши ҳисобига тўлақонли янграйди: I ва II найлар, гобой, I ва II ғижжаклар ва ғижжак алтлар тематик материални унисон бўлиб чаладилар, кашқар ва афғон рубоблари, танбур ва дутор асосий мавзуни каноник давом эттиради, шу вақтда I ва II қўшнайлар, сурнай, I ва II чанглар асосий мавзуга муҳолиф равишда ўтказилади.

“4” - рақамдан бошлаб учинчи тактда дутор контрабасларда, ғижжак бас ва ғижжак контрабасларда янги чизик пайдо бўлади, барча чолғулар иштирок этган энг юқори авждан сўнг, “5”-рақамдан бошлаб ривожланишининг янги фазаси бошланади, бу ерда I ва II чанглар, кашқар рубоблари иштирок этади. Уларга қарама-қарши ғижжак алтлар янги чизғи ва яна бошқа чизик афғон рубобларда пайдо

пряженным драматическим развитием, эта часть фантазии глубоко впечатляет размахом трагедийного замысла, которая в свою очередь усугубляется тональностью b-moll.

В фантазии эта тема повторяется несколько раз. В первом предложении участвуют следующие инструменты: афганские рупабы, сато, гиджаки альты и гиджаки басы. В конце первого предложения кошнай имитирует конечную интонацию.



Второе предложение несколько обогащается за счет появления полифонического второго голоса. После двухтактного вступления, которое строится на основе тематического ма-

териала , начинается второе проведение темы. Здесь композитор пользуется каноническим проведением материала. Первые гиджаки начинают тему. Спустя такт эта же тема проводится несколько варьированно у кашгарских и афганских рупабов. Следующее проведение первого предложения звучит более насыщенно за счет добавления других инструментов: I и II най, гобой, I и II гиджаки и гиджак альт играют в унисон тематический материал, кашгарские и афганские рупабы, танбур и дутар канонически продолжают основную тему, в то время I и II кошнай, сурнай, I и II чанги играют противосложение к основному тематическому материалу.

В третьем такте от цифры “4” появляется новая линия у дутаров контрабасов, гиджаков басов и гиджаков контрабасов. После мощной кульминации, где участвовали почти все инструменты, от “5” цифры начинается новая фаза развития, в которой участвуют I и II чанги, кашгарские рупабы. В противовес им появляется новая линия у II гиджаков альтов, и еще другая линия у афганского рупаба. В нюансе

бўлади. «pp» нюансида фантазиянинг I қисми яқунланади.

II қисм 7-рақамдан бошланади, бу ерда, «Мен бугун»<sup>1</sup> кўшиғи ишлатилади. Бу кўшиқ Д.Зокировнинг «13 уйғур халқ кўшиғи ёзуви»да № 6 кўшиқдир. Ўзининг тури бўйича севги-лирик характерда бўлиб, у фантазияга бир оз ёркинлик олиб киради, тоналлик тузилиши жиҳатидан b-moll – D dur. Ушбу қисм I, III, ва IV қисмлар орасида боғловчи (ўткинчи) вазифасини бажаради. Ладнинг ўзгарувчанлиги модуляция учун b moll дан d moll га номдош бўлиб, мажор тоналлиги учун ўта қулайдир.

Бу қисмда композитор турли полифоник услублардан жуда усталик билан фойдаланади. Овозоти полифонияси жуда муҳим ўрин эгаллайди. Оркестрнинг тембрли янграшига катта эътибор қаратилган. Оркестрнинг алоҳида гуруҳларига тематик материални бериш билан бирга, муаллиф оркестрнинг тўлақонли янграшига эриша олади. Бу қисмда концертлик – мусобақалашув элементи мавжуддир. Тематик асос бир неча бор ўзгартирилмасдан қайтарилади, Дони Зокиров жўрнавозлик фактурасини ўзгартиради ва оркестр бўёқларига янги-янги воситаларни киритади. Композитор ўлчовнинг ўзгарувчанлигидан ҳам муваффақият билан фойдаланади. Агар асосий манбада кўшиқ икки жумладан, 8 тактдан иборат даврия шаклида ёзилган бўлса, фантазияда эса композитор кўшиқ тузилишини бир неча бор кенгайтирди. Дастлабки 4 тактдан иборат бўлган тузилмани беш тактли тузилмага айлантиради. Бу иккинчи тактдаги 4-ҳиссанинг, учинчи тактнинг 1-кучли ҳиссасига айланиши ва ўз навбатида ўлчов ўзгариши ҳисобига рўй беради. 4/4 кейинги тактда ҳам 2/4 ўлчовига ўзгаради.

---

<sup>1</sup> Ушбу кўшиқ биз томонимиздан «Бу чинор» сифатида батафсил таҳлил этилган (8-13 б).

«pp» заканчивается I часть фантазии.

II часть – начинается от цифры “7”. Здесь используется песня «Мен бугун»<sup>1</sup>. Она является шестой в тетради «Запись 13-ти уйгурских народных мелодий» Д.Закирова. Любовно-лирическая по своему складу, она вносит некоторое просветление в фантазию, подчеркиваемое тональным планом b-moll – D dur. Данная часть является промежуточной между I, III, и IV частями. Переменность лада очень удобна для модулирования из b moll а в d moll через одноименную мажорную тональность.

В этой части композитор очень удачно пользуется различными полифоническими приемами. Особенно важное место занимает подголосочная полифония. Большое внимание уделяется тембровой звучности оркестра. Поручая отдельным группам оркестра тематический материал, автор тем не менее добивается целостности звучание оркестра. В этой части присутствует элемент концертности – соревновательности. Тематическое зерно проходит несколько раз, оставаясь неизменным, Дони Закиров меняет фактуру сопровождения и вносит все новые оттенки в оркестровые краски. Композитор также удачно использует переменность размера. Если в первоисточнике песня написана в форме периода, состоящего из двух предложений по восемь тактов, то в фантазии композитор несколько расширил построение песни. Первоначальную 4-х-тактную структуру он превратил в пятитактную. Это происходит за счет того, что четвертая доля второго такта превращается в первую, сильную долю третьего такта, которая в свою очередь меняется в размере. Вместо 4/4 становится и следующий такт 2/4. Таким

---

<sup>1</sup> Эта песня как «Бу чинар» подробно проанализирована нами выше (С. 8-13).

Шундай қилиб, бир хиссанинг силжиши мантиқий тузилма ўзгаришига олиб келади.

Композитор усталик билан вертикал-харакатдаги контрапунктдан фойдаланади. Мавзунинг дастлабки боғланиши торли гуруҳда рўй беради, уларга най пикколо ва гобой, I ва II чанглар таклид қиладилар. Дастлабки боғланганининг ўзгармасида асосий мавзу най пикколода, I ва II найларда ўтади, уларга I ва II ғижжаклар, кейинроқ эса I ва II чанглар таклид қилади. Мавзу I ва II ғижжакларда, ғижжак альтларда ва сатода давом этади. Якуний қисмлари гоҳ найда, гоҳ чангларда таклид этилади. Композитор кўшнай солосини қашқар ва афғон рубобининг, шунингдек, ғижжак бас ва контрабасларнинг ушлаб турган фониди ўта маҳорат билан кўрсатиб бера олган.

Кейинги қисмининг асосини бир оз жонланган темпа, раксона характердаги, композиторнинг «ёзувлари» даги №11 рақамли «Лабларинг новвот ёрим» кўшиғи ташкил этади. Бу қисм бошқа қисмлардан ажралиб туради. Агарда композитор, бошқа қисмларда кўшиқнинг чегарасидан чиқмасдан туриб ёзган бўлса, бу қисмда эса ўзининг фантазиясига эркинлик берган ҳолда банд шаклини кенгайтириб, уни мураккаб уч қисмли шаклга айлантиради. Биринчи қисм икки жумладан иборат даврия шаклида ёзилган бўлиб, бир неча бор ўзгарган ҳолда қайтарилади. Ўрта қисм оддий икки қисмли шаклда ёзилган, у биринчи қисмга нисбатан контраст эмас. Тематик материал асосий мавзу асосида вужудга келган, биринчи қисм билан жуда яхши боғланади. Композитор усталик билан раксона мусиқани лирик мусиқага айлантира олган.

Бу қисмда биринчи марта урма чолғу, жумладан доира иштирок этади. Агарда дастлабки икки қисмда композитор кўпроқ полифоник ривожланишига эътиборини қаратган бўлса, учинчи ва тўртинчи қисмларда остинатолик

образом, передвижение одной доли приводит к изменению логической структуры.

Композитор мастерски пользуется вертикально-подвижным контрапунктом. Первоначальное соединение темы осуществляется у струнной группы, которую имитируют най рисоло, гобой и I и II чанги. В производном соединении основная тема проходит у най рисоло, I и II ная, а имитируют I и II гиджаки, а в дальнейшем I и II чанги. Продолжение темы следует у I и II гиджаков, гиджаков альтов и сато. Заключительные фрагменты имитируется то у най, то у чангов. Очень удачно нашёл композитор solo кошная на фоне выдержанных нот у кашгарских и афганских рубабов, а также гиджаков басов и контрабасов.

Основу следующей части несколько более оживленного темпа составляет песня танцевального характера – «Лавларинг нават ярим», которая в сборнике композитора является №11. Эта часть стоит особняком от остальных частей. Если композитор во всех частях, кроме данной ограничился не выходя за рамки песни, то в этой части он дал волю в свою фантазии и расширил куплетную форму превратив ее в сложную трехчастную форму. Первая часть написана в форме периода, состоящего из двух предложений, которые повторяются несколько видоизмененно. Средняя часть написана в простой двухчастной форме. Она не контрастирует первую часть. Тематический материал возник на основе основной темы, которая очень удачно соединяется с первой частью. Композитор мастерски преобразил танцевальную музыку в лирическую.

В этой части впервые появляются ударные инструменты, в частности, дойра. Если в первых двух частях композитор большое внимание уделял полифоническому развитию, то в третьей и четвертой частях большое внимание

ушул харакатига катта эйтибор қаратади, унинг фонидан най пикколо ва I ва II найларда тематик мавзунини ўтказиши. Шунга қарамай бу ерда ҳам полифоник ривожланишни кузатишимиз. 23 рақамдан бошлаб статик реприза бошланади. Ушбу қисмнинг сўнггида темп бир оз секинлашади ва фантазиянинг кейинги IV қисмига ўтилади.

Бу қисмда композитор ўзининг «ёзувида»ги №3 «Ливан ёрай» қўшиғидан фойдаланади. Олдингисига нисбатан жонлироқ бўлиб, темпераментлик характеридадир. Ушлаб турадиган усулли фигурация фонидан тематик мавзунинг янграши олдинги қисмдан ўтган. Мазкур қисмда оркестрнинг барча чолғулари, жумладан, уйғурлар орасида кенг тарқалган сафоил чолғуси ҳам иштирок этади. Фантазия оркестр мусикасига хос бўлган, ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган тантанавор қисм билан якунланади.

Обрашаётган на остинатное усильное движение, на фоне которого проводится тематический материал у нас *risolo*, и I и II частями. Но тем не менее и здесь мы видим присутствие полифонического развития. С ц. “23” начинается статическая реприза. В конце этой части темп немного замедляется и происходит переход к следующей IV части фантазии.

В этой части композитор использовал песню «Леван ярай», которая является №3 в записях композитора. Эта часть еще более оживленная, темпераментная по своему характеру. Проведение тематического материала на фоне выдержанной усильной фигурации переходит от предыдущей части. В этой части участвуют все инструменты оркестра, в том числе инструмент сафаиль, который широко распространен среди уйгуров. Завершается фантазия небольшой кодой, фанфарными звучаниями характерной оркестровой музыке.

## ХУЛОСА

А.Козловский ва Д.Зокировларнинг уйғур халқ кўшиғи “Бу чинор”га ижодий ёндошувини таққослаб ва улар турли жанрлар эканлигини ҳисобга олган ҳолда куйидаги хулосага келиш мумкин.

А.Козловский кўшиқнинг мелодик, лад ва гармоник имкониятларидан кенг фойдаланади. Д.Зокиров эса «Бу чинор» кўшиғида бор бўлган тембр ва колористик имкониятларни очиб бера олган. Ҳар бир ҳолатда ҳам уйғур халқ кўшиғи композиторларнинг ижодий фантазияси учун манба бўлиб мусиқий гоани бойитади, мусиқанинг миллий хусусиятларини ёрқин бўёқлар билан ёритиб беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ишда назарий таҳлил учун танлаб олинган ушбу асарлар фольклор мусиқаси намуналарини асос қилган ҳолда ундан касбий композиторлик ижодида фойдаланиш, ижодий услубнинг самарадорлигининг қай даражада ишончли эканлигини кўрсатиб беради. Шунинг билан бирга бундай юксак натижаларга фольклорга, айниқса мусиқий материал интонацияси ҳақида сўз юритилганда унга ўта эҳтиёткорлик билан мурожаат этгандагина эришиш мумкин бўлади. Бу ҳолда мусиқий маданиятнинг интонацион табиатига чуқур кирмоқ, унинг хусусиятини ушбу бадий маданиятнинг ўзига хослиги орқали ҳис этган ҳолда, уни янада характерли жиҳатларини кўрсатиб бериш керак бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон композиторлик мактаби ўзининг тикланиш, ривожланиш давридан ўтиб, юқори касбий даражага етишган бир вақтда халқ куйидан, умуман, фольклордан фойдаланиш композиторлик ижоди учун чексиз имкониятлар очиб беради.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Сравнивая принципы претворения «Бу чинар», творческие подходы А.Козловского и Д.Закирова к уйгурской народной песне, и учитывая различие жанров, необходимо сделать следующий вывод.

А.Козловский широко использует мелодические, ладовые и гармонические возможности песни. Д.Закиров же раскрывает тембровые и колористические ресурсы, заложенные в «Бу чинар». В каждом случае уйгурская народная песня становится источником творческой фантазии композитора и обогащает его музыкальное мышление, расцветивает яркими красками национальное своеобразие музыки.

В заключение следует отметить, что избранное нами для теоретического анализа произведение убедительно доказывает художественную целесообразность и плодотворность творческого метода, основанного на использовании образцов фольклорной музыки в профессиональном композиторском творчестве. Однако достижение высоких художественных результатов в этом случае становится возможным лишь при очень бережном обращении с фольклором, особенно если речь идет об использовании интонационного музыкального материала. В этом случае необходимо глубокое проникновение в природу интонационной музыкальной культуры, осмысление ее специфики сквозь призму характерных особенностей данной художественной культуры в целом.

Сегодня, когда композиторская школа в Узбекистане уже прошла период становления, развития и находится на высоком профессиональном уровне, использование народного мелоса, фольклора в целом открывает неограниченные перспективы для композиторского творчества.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Алимбаева К. Уйғур халқ қошақлири. –Т., 1958.
2. Алибакиева Т. Песенное искусство уйгурского народа. –Алма-Ата, 1972.
3. Алибакиева Т. Песенное творчество уйгурского народа (наследие). Автореферат дисс. на соис. учен. степ. кандидата искусствоведение. –Алма-Ата, 1972.
4. Ахмедов М. Дони Зокиров. –Т., 1995.
5. Актуальные проблемы советского уйгуроведения. –Алма-Ата, 1983.
6. Азимова А. Вопросы синтаксиса восточной монодии (на материале традиций музыки узбекского, каракалпакского и уйгурского народов). Т. I. –Т., 1989.
7. Азимова А. Вопросы синтаксиса восточной монодии (на материале традиций музыки узбекского, каракалпакского и уйгурского народов). Т. II. –Т., 1998.
8. Васина-Гроссман В. Музыка и поэтическое слово. –М., 1978.
9. Гафурбеков Т. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. –Т., 1984.
10. Гафурбеков Т. Творческие ресурсы национальной монодии и их претворение в узбекской советской музыке. –Т., 1987.
11. Головинский Г. Композитор и фольклор. –М., 1981.
12. Земцовский И. Фольклор и композитор. –Л., 1978.
13. История узбекской советской музыки. Т. I – III. –Т., 1972, 1973, 1991.
14. Кирина К. О ладогармоническом строе уйгурского фольклора //Вопросы истории и теории музыки Казахстана. –Алма-Ата, 1984.
15. Кирина К. Импровизационные традиции в уйгурской народной музыке //Теоретические проблемы внеевропейских музыкальных культур. – Сборник трудов. Выпуск 67. –М., 1983.
16. Кибирова С. Некоторые актуальные проблемы исследования инструментальной культуры уйгуров //Актуальные проблемы музыкальной культуры народов Востока. Тезисы к Всесоюзной научно-теоретической конференции. 17-21 октября 1989 г. –Т., 1989.
17. Мазель Л. Стрoение музыкальных произведений. –М., 1979.
18. Музыкальная культура Узбекской ССР. –М., 1981.
19. Материалы по истории и культуре уйгурского народа. –Алма-Ата, 1978.
20. Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность. –Т., 1981.
21. Пеккер Я. Узбекская опера. –М., 1984.
22. Поло М. Путешествие по Татарии и другим странам Востока. –СПб., 1873.
23. Русская мысль о музыкальном фольклоре. –М., 1979.
24. Семенов А. Очерк культурной роли уйгуров в монгольских государствах //Материалы по истории и культуре уйгурского народа. –Алма-Ата, 1978.
25. Хашимов А. Локальные разновидности Двенадцати уйгурских мукамов // Музыка народов Азии и Африки. Вып. 4. –М., 1984.
26. Хашимов А. О структуре уйгурских мукамов и условиях их бытования // Макомы, мугамы и современное композиторское творчество. –Т., 1978.
27. Хашимов А. Двенадцать уйгурских мукамов // Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность. – Т., 1981.
28. Ҳошимов А. Уйғур касбий мусиқа аңьаналари. –Т., 2003.

**НОТА ИЛОВАЛARI**  
**НОТНЫЕ ПРИЛОЖЕНИЯ**

## КАВАТИНА КИТАЙСКОГО ПОСЛА

из оперы "УЛУГБЕК"

**Larghetto**

Китайский посол Го Цзи

А.Козловский

*p*  
